



Қозоғистонда шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган «Chess Tourment 2007» VII аъъанавий халқаро турнири ўзбекистонлик умидли шахматчи Андрей Квон ғалабаси билан якунланди.

Тошкент теннис марказида бошланган теннис бўйича Осиё чемпионатида қиёмизнинг энг мохир ракеткачилари чемпионлик ва келаси йилнинг январь ойида ўтказиладиган Австралия очик чемпионатиға бериладиган йўлланма учун курашға киришди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида ўқишға қабул қилинган курсантлар ҳамда шу ерда ҳарбий хизматини ўтаётган аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Андижон шаҳрида Истиқлолимизнинг 16 йиллиғиға бағишлаб ўтказилган кикбоксинг бўйича «Олтин водий» халқаро турнирида ҳамюртларимиздан ташқари Қозоғистон ва Қирғизистондан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пайарик, Иштихон ва Каттакўрғон туманларида Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари иш бошлади.

Элликқалъа туманидаги «Сарабий» овул фуқаролар йиғини ҳудудида шарқона меъморлик аъъаналари услубида бунёд этилган, суратхона, ошқона ва бир қатор савдо шохобчаларини ўз ичига олган маҳалла гузары фойдаланишға топширилди.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиғиға бағишлаб «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» мавзуйида дўстлик кечаси ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ташаббуси билан ўтказилган «Хамшира-2007» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқини якунланди.

Мустақиллик байрами кунлари ўн олти ёшға тўлган юздан ортиқ фарғоналик йигит-қизға Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари топширилди.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-мактабнинг капитал таъмирланган замонавий биноси фойдаланишға топширилди.

Илк марғоба мақтаб остонасига қадам қўётган жажжи кичкинтойнинг кўзларидаги ҳайрат ва ҳаяжонни кўрган ҳар қандай киши беихтиёр ўз болалиғини, биринчи ўқитувчисини, жонажон мактабини ёдға олиши табиий.

Айни кунларда барча ўқувчилар учун қувончли дамлар бошланди. Улар синфдошлари билан дийдорлашадилар, меҳрибон ўқитувчилари бағриға талпинадилар, янғроқ кўнғироқ садолари остида янги ўқув йилининг дастлабки дарсларини ўтишади. Ўқитувчиси кўмағида ўзига ҳозирча нотаниш ҳарфларни ёзаётган мана бу болажоннинг эса илмға чанқоқлиғи кўзларидан аён.

Вақт шиддатли, юғурик, дея беҳизға айтишмаган. Бугун кўлларида гул, юз-кўзларида ҳаяжон билан мақтаб аталмиш илм даргоҳиға қадам қўйган болақай шу маскан бағрида ўсиб улғайиб, илм сирларидан бохабар бўлиб, келгусида азиз Ватанға муносиб фарзанд бўлиб етишиши, шубҳасиз.

Илм чўққиларини забт этишға бел боғлаган юртимиз фарзанди, тилагимиз: йўлинг доим нурафшон бўлсин!

Президентимиз томонидан «2004-2009 йилларда мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармойишға имзо чекилди. Унда республика мактабларини, айниқса, қишлоқлардаги таълим муассасаларини замонавий талаблар асосида барпо этиш, уларда барча зарурий шарт-шароитларни яратиш асосий мақсад қилиб кўрсатилган.

Республика Халқ таълими вазирлиғидан олинган маълумотта кўра, ўшбу дастурға асосан шу йиллар мобайнида икки миллион саккиз юз саксон саккиз минг уч юз ўн бир ўқувчиға мўлжалланган саккиз минг тўрт юз етмиш олти та мактабнинг бинолари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янғиллаш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу борада белгиланган аниқ вазифалар ҳамда жадал ишлар тўғрисида янада аниқроқ қарар қилинган.

Масалан, 2004-2006 йиллар давомида жами 3061 та умумий таълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалға оширилди. Шундан 143 таси янғидан барпо этилди, 676 таси капитал реконструкция, 844 таси жорий таъмирланди. Мазкур ишларға Мақтаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан 333,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси, бажарилган ишларнинг аксари яти қишлоқ ҳамда борши қийин ҳудудларға тўғри келади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, қурилган ва таъмирланган таълим муассасасининг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-методик материаллар билан таъминланишиға ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Швейцария Конфедерацияси Федерал Кенгаши номидан самимий қутловлар йўллаш ҳамда шахсан Сизга омонлик ва мамлакатингизга раванк тилаб билдирган энг эзгу истаklarимни йўллаш менга гоят катта мамнуният бахш этади.
Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Мишлин Кальми-Рей,
Швейцария Конфедерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Мухтарам Ислам Абдуганиевич,
Миллий байрам – Мустақиллик куни билан Сизни ва Ўзбекистон Республикасини халқини самимий қутлайман.
Давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар дўстлик, ҳурмат ва ўзаро манфаатдорлик асосида муваффақиятли ривожланишига ишончим комил.
Ҳурматли Ислам Абдуганиевич, Сизга чин юракдан мустақкам соғлиқ, давлат ишларидаги фаолиятингизда бундан буён ҳам катта ютуқлар, мамлакатингиз халқига эса тинчлик ва раванк тилайман.
Эҳтиром ила,

Александр Лукашенко,
Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Мухтарам Ислам Абдуганиевич,
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.
Ишончим комилки, барча даражаларда, энг аввало, олий даражада мунтазам олиб борилаётган мулоқот, икки томонлама ҳамкорликнинг асосини ташкил этувчи сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муштарак қарарларимиз, эришилган аҳдлашувларини фаол амалга ошириш, халқаро ташкилотлардаги ўзаро мадд давлатлараро мустақкам шериклигини давом эттиришда мўҳим омил ҳисобланади.
Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга чин юракдан мустақкам соғлиқ ва масъулиятли давлат ишларидаги фаолиятингизда бундан буён ҳам катта муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.
Чуқур эҳтиром ила,

Виктор Ющенко,
Украина Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Мухтарам Ислам Абдуганиевич,
Миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ҳамда Ўзбекистоннинг бутун дўст халқига Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номидан йўллаётган самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.
Ишончим комилки, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам давлатлараро муносабатларимизни янада жадал ривожлантиришга, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт ишига қўмаклашиб, мустақамлини бораверади.
Ҳурматли Ислам Абдуганиевич, Сизга мустақкам соғлиқ ва давлат ишларидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва раванк тилайман.
Эҳтиром ила,

Илхом Алиев,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Мухтарам Ислам Абдуганиевич,
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз ва бутун ўзбек халқини табриклаш менга чинакам мамнуният бахш этади.
Тожикистон халқларимиз ва давлатларимизни қалин ришталар билан боғлаб турган мустақкам асрий самимий дўстлик ва яхши қўшничилик аънаналарини юксак қадрлайди.
Биз бу бебаҳо меросни ҳозирги шиддатли давр талабларига ҳамоҳанг янги мазмун билан бойитишга азму қарор қилганимиз.
Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга ушбу шонли байрам куни чин қўнғилдан сихат-саломатлик ва дўст Ўзбекистоннинг фаровонлиги йўлида катта муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик ва раванк тилайман.
Эҳтиром ила,

Имомали Раҳмон,
Тожикистон Республикаси Президенти

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти номига Индонезия Республикаси Президенти Д-р Х.Сусило Бамбанг Юдхонго, Уммон Султони Қубс бин Саид, Катар Давлати Амири Хамид бин Халифа Ол Соний, Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин, Греция Республикаси Президенти Каролос Папулиас, Австрия Республикаси Федерал Президентини Хайнц Фишер, Болгария Республикаси Президенти Гергори Парванов, Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус томонидан қутлов мактублари келди.

Бир ҳафталик вазир

Япония қишлоқ хўжалиги вазири Такэхико Эндо истеъфого чиқди.
Такэхико Эндо бу лавозимда бор-йўғи бир ҳафта ишлади, холос. Маҳаллий ОАВ хабар қилишича, унга нисбатан фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари бўлиб ишлаган



даврдан ўз лавозимини суи-истеъмолад қилиш ва давлат субсидияларини ноқонуний бўлиб бериш айблови илгари сурилган. Япония бош вазири бу моҳаролар кенг миқёсда авж олиб кетмаслиги учун уни истеъфого чиқаришни маълум қўрган, деб ёзади The Japan Times.
Шу йилнинг май ойида аввалги қишлоқ хўжалиги вазири Тосикацу Матсуока коррупцион моҳаролар қўришда қўлиб, ўз жониға қасд қилган эди.

Буюк Британия Ироқдан ҳарбий кучларини олиб чиқишни бошламоқда.
Утган куни 500 нафар британиялик аскар ва ҳарбий техникалар Басрадан маҳаллий аэропортга ўтказилган. Хабарларга кўра, Британия бош вазири Гордон Браунга



АҚШнинг Флорида штати Санкт-Петербург шаҳарчасида олти нафар эгизак чақалоқлар дунёга келди.

Бир йўла олти чақалоқ

Ажойиб жуфтлик эгизакларнинг онаси 29 ёшли Каролина ва отаси Бен Билер хурсандчилигининг ч

Яшараётган Сеплон

Шеробод туманида кўхна ва йилдан-йилга ёшариб-яшаб бо-
раётган бир қишлоқ бор. Уни
Сеплон деб аташади. Довруги
етти иккимга етган буюқ ҳадис-
навис олим Имом ат Термизий
ҳам шу кўхна қишлоққа дафн
этилган. Бу зоти шариф қабри-
ни зиёрат қилиш мақсадида
ғарбу шарқдан ажнабий меҳмон-
лар тез-тез ташриф буюриб ту-
ришади. Яқинда Сеплон қишлоқ
йиғинида бўлганимизда афго-
нистонлик олим Муҳаммад Ой-
дин жаноблари билан суҳбатла-
шиш шарафига муассар бўлди.

— Исо Термизийни зиёрат қилиш ме-
нинг узоқ йиллик эғу ниятим эди, — деди
у. — Мақсадимга эришиш бахти менга на-
сиб этганидан хурсандман. Хонадонлари
обод, дастурхонлари тўкин экан бу элнинг.
Бундай гулгун ҳаётга ҳавасим ортди. Қал-
бимда муҳлаётган таассуротлар
бир олам. Шундай
дорилуол кунлар
қачон бизга насиб
этаркан деб ўйга
толаман...

Шариф Жўраев Сеплон қишлоқ фуқа-
ролар йиғинининг раиси. Оз эмас, йигир-
ма саккиз минг фуқаро истиқомат қилаёт-
ган ун еттига катта-кичик манзиллар шу
қишлоқ йиғини таркибига қиради. Улар
тўққизта маҳаллани ташкил этган. Ҳўжалик
дафтаридида 5400 дан ортик хонадон, 6200
оила рўйхатга олинган. Бундан қишлоқ ра-
иси Шариф Жўраев зиммасидаги вазифа-
нинг юки нечоғли оғир, ташвишлари шун-
га яраша бисёр, иши ти-
гис эканлигини англаб
олиш қийин эмас. Ша-
риф Жўраев эл ишончи-
ни оқлаётти, қишлоқ
меҳнаткашлари ҳаёти-
даги муаммоларни
бартараф этиш устида
тинмай олиб-югураётти,
тадбирлар кўраётти.
Маҳалла раислари
эса унга кўмакчи, жа-
моатчилик қунига та-
яниб иш қўриш ҳам
қишлоқ оқоқолига
хос хусусият. Шу бо-
исидан ҳам Сеплон
йилдан-йилга ўсат-
моқда. Бу ерда
қишлоқ инфра-
қилимаси тарқатиш
этиб бормоқда. Аҳоли
табиий газ, тоза ичимлик суви билан тўла
таъмин этилган. Уларга хизмат кўрсатади-
ган корхоналар, дўконлар сони жуда кўп.
Эрта тондан қўш қорайгунча уларнинг
эшиги ланг очик, микозлар билан ғажув.
Ҳар бир маҳаллада иккидан сартороҳона
бўлса ҳам усталарнинг қўли-қўлига те-
гмайди. Пойабзал таъмирлаш, радио-теле-
визор ва бошқа турдаги электр асбоб-ус-
куналарни созлаш усталари ишдан бар-
ча мамнун, миннатдор.

Қишлоқ ҳудудидидаги саккизта умумтаъ-
лим мактабларида меҳнаткашларнинг
қарийб етти минг нафар ўғил-қизлари таъ-
лим-тарбия олаётган бўлса, бешта бола-
лар боғчасида қунаб-ўйнаб ўсётган жаж-
ж гулдакларнинг сони бир юз олтидан на-
фардан ортик. Маҳалла-оила-мактабнинг
ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Ўқувчи-
ларнинг таълим-тарбияси ўқитувчи мураб-
бийларнинг масъулиятли вазифаси бўлиб-
гина қолмасдан, балки қишлоқ ва маҳал-
ла раисларининг ҳам шарафли бурчиға ай-
ланган. Тарбияси оғир болаларнинг ота-
оналарини маҳалла йиғинида тақлиф этиш,

фарзандининг номақбул хатти-ҳаракатлари
хусусида улар билан суҳбатлар уюштириб,
интизомий таъсир чоралари қўриш бу ерда
одат тусини олган. Уч йилдан буён қишлоқ
ёшлари орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатла-
ри қайд этилмаган, жиноятлар содир
бўлмаган.

Қишлоқ йиғини ҳудудидида тўртта ҳақим-
лик пункти, битта шифохонада меҳнаткаш-
лар саломатлиги муҳофазаси қилинмоқда.
Ўғил ва қизлар ўз вақтида ўқир юкмули
касаликларга қарши эмланмоқда. Ҳисоб-
да турган хасталар вақт-вақти билан тиб-
бий кўриқдан ўтказиб турилади. Бундай
ишларни амалга оширишда қишлоқ йиғи-
ни фаоллари шифокорларнинг ақин
ёрдамчисига айланган. Қишлоқ аҳолиси
асосан деҳқончилик билан шугулланиша-
ди. Улар ўзларининг томорқа ерларига эга.
Унда асосан галла етиштирилади, нон учун
бугдой ўзларидан чиқади.

Қишлоқ аҳли тўқ, фаровон умргузарон-
лик қилмоқда. Бунда қишлоқ йиғини та-
сарруфидида юздан ортик фермер ҳўжа-
ликларининг муносиб хиссаси бор. Аҳоли-
нинг асосий қисми ана шу фермер ҳўжа-
лиги аъзолари. Боз устига фер-
мерлар ободон-чиликнинг жонку-
яр кишилари, ҳомийлари. Маса-

лан, Чўмичли маҳалласида гузар қуришга
киришилди. Бино ун хонадан иборат. Бу
хайрли ишининг ташкилотчиси фермер Хай-
ридин Абдурахмонов бўлди. Маҳалла
оқоқоли Йўлдош Чоршанбиев қурилиш
ишига бошчилик қилди. Натижада, Чўмич-
лида ғажув бир маскан барпо этилди. Га-
лагузар, Чўкурқул маҳаллаларида ҳам худ-
ди шундай корхоналар ҳашар йўли билан
бунёд этилди. Уларга фермерлар ҳомий-
лик қилди. Муқаддас Турсунова, Турсун

Раҳмонкулов синга-
ри ташкилотчи ва
тадбиркор кишилар
қурилиш ишини на-
мунали ташкил этди-
лар. Натижада, қи-
шлоқ меҳнаткашлари-
нинг у

Академик Сергей Павлович Толстовнинг кўп йиллик машаққатли меҳнатлари, илмий изланишлари эвазига дунёга келган, ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган "Қадимги Хоразм" китоби 70 босма таътиб бўлиб, саҳифаларида 270 та буюмлар – зеб-зийнатлар, кийим-кечаклар, Хоразм тангаларининг суратлари илова қилинган. Шунингдек, китобдаги Норинжон бобо, Тупроқ қалъа, Қизил қалъа, Қават қалъа, Жанбасқалъа, Кум қалъа, Думан қалъа, Бозор қалъа, Абз қалъа, Гуддурсин сингари юздан ортиқ қалъа ҳамда қўғонлар, архитектура ёдгорликларининг фотосуратлари ҳеч қимми ёсло бефарқ қолдирмайди.

Ушбу монографиянинг муаллифи бу йил таваллудининг бир асрлик санаси нишонланган Сергей Павлович Толстов асли Санкт-Петербурглик. 1934 йили Моддий маданият тарихи давлат академияси аспирантурасини тугатган, 1929-1936 йилларда музейда илмий ходимликдан бошлаб, Москва давлат университетида кўфедра мудири, Этнография институтининг директори вазифаларида ишлаган. 300 дан ортиқ илмий мақолалар, бу гун жаҳон алломалари тан олган "Қадимги Хоразм маданияти" яна ишлаб, "Қадимги Хоразм" ва "Жаҳон халқлари" кўп жиллик китоблар автори.

Унинг номини дунёга таъинланган энг муҳим экспедиция С.П.Толстов суратига 32 йил раҳбарлик қилган Хоразм илмий экспедицияси бўлди. Сергей Павлович "Қадимги Хоразм" деб номланган асарда шундай таъкидлаган эди. "То 1936 йилга қадар мен Хоразм воқеасининг ва унга чегарадош жойларнинг ҳозирги аҳолиси ҳаёти билан машғул бўлиб, асосан, этнографияга оид материал тўпладим. 1937 йилдан бошлаб, гарчи Хоразмининг ва унинг тевакар-атрофидаги чўлларни этнографик жиҳатдан текширишни давом эттираркан бўлсам-да, тадқиқотларимда асосий эътиборни аҳолий археологик ёдгорликларга қарата бошладим".

Дарҳақиқат, мазкур экспедиция 1941 йилгача Қизилқум ва Қорақумдаги беҳисоб тарихий ёдгорликларни текширди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин С.П.Толстов бошқарган Хоразм илмий экспедициясининг фаолияти ҳам юзга самарали бўлди. Утган асрда фан оламида ўзига хос из қолдирган ва

қадимий Хоразм тарихининг зукко билимдон бўлган С.П.Толстов кашфиётининг муҳим жиҳати, у халқимизнинг узок ўтмишдаги номаълум бўлиб қолган тарихий даврини тўлалигича гавдалантириб берди. Қадимий Хоразмда неолит ва бронза даврига оид қўлгина ибтидоий маконларнинг топилиши археология фанида, шубҳасиз, янги саҳифа очди. Кашф этилган неолит даври маконлари

– Илм-фан, ҳудуд, тузум, миллат танламайди, – дейди у киши. – Олим фақат ўзи мансуб миллатга эмас, балки бутун дунё халқлари манфатига хизмат қилади. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Ат-Термизий, Ал-Бухорий каби буюк бобоклонларимиз шу азиз замин фарзандлари бўлишса ҳам уларнинг бой мерослари бутун жаҳон халқларига хизмат қилапти. Сер-

педияси назарда тутиляпти миллатимиз тарихига оид жуда ноб маълумотлар тўпланган. Бу олимнинг Беруний ва Эллиқалъа туманлари чегарасидаги Тошхирмон манзилдан қадимий олов ибодатхонасини топиши илмий жамоатчилик учун катта воқеа бўлди. Олимнинг Абзқалъа I, Абзқалъа II, Қизил қалъа, Тупроқ қалъа каби қадимий обидаларда олиб борган археологик қазиишлари антик давр Хоразм тарихи учун жуда баёхо манбалар берди. Топилган ҳайкалча, деворий расмлар, тангалар, Хоразмий ёзувлари, уй-рўзгор буюмлари, канализация тармоқлари, муҳофаф деворлари бу ўлкада тараккиёт нақадар ривожланганлигини аниқлади.

Яна бир гап. Мустабид тузум даврида Тўртқўл, Беруний, Эллиқалъа каби тарихий заминлардаги тарихий қалъалардан топилган бир неча юзлаб ноб ёдгорликлар



Қадимий Хоразм тарихининг билимдони

Санкт-Петербургдаги Эрмитаж ертўларига, Москва шаҳридаги Миллукан номи илмий-текириш институтига ўзининг ҳақиқий эгасини қўтиб ётибди. Уларни Нукус шаҳридаги Ўлкашунослик музейига ёки унинг Бўстон шаҳридаги филиалига қайтариш вақти етди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири. Хоразм вилояти

Хабарлар

"Мўъжиза" номи билан

Яккабоғ туманида тадбиркор Нуриддин Қурбоннинг бевоқиф ташаббуси билан Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. У кенг тармоқли бўлиб, ўз ичига бир-неча тармоқларни ривожлантиришни кўзда тутган.

Хитойдан 30 минг АҚШ долларига келтирилган "Брайнер" фирмасининг қадоклаш ускунаси билан соватига минг дон Яккабоғ бўлоқ суви "Мўъжиза" номи билан ишлаб чиқаришмоқда. Қишлоқ ёшларидан ўн нафар илтимой фойдали меҳнатга тортиди.

– Мен ҳусусий тадбиркорлик билан шуғулланар эдим. Бу ерга келиб ишла бўлдим, ойлик маошимиз ҳам ёмон эмас. 60 минг сўмдан ошириб иш ҳақи олаётимиз, – дейди Луиза Салимова. – Дилдора Жовлиева, Дилбар Мейлиева каби тенгдошларим ҳам ў